



Қ А Р О Р

Тошкент шаҳри

2022 йил 11 май

4-1107-2101/1252-сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати судья Б.Исрайловнинг раислигида, судьялар Т.Аннаева ва Ш.Маҳмудовдан иборат таркибда, А.Бахшуллоевнинг котиблигида, даъвогарнинг вакиллари Д.Ризаев (2022 йил 10 майдаги 38/22-сонли ишончнома ва 6 майдаги 000003-сонли ордер), М.Мадаминов (2022 йил 10 майдаги ишончнома) иштирокида, даъвогар “Glass tech service” масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “Olmaliq element plast” масъулияти чекланган жамиятидан 623 416 500 сўм асосий қарз ва 19 949 328 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг 2021 йил 18 ноябрдаги қарори устидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган кассация шикоятини судлов хайъатининг биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

“Glass tech service” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда палата деб юритилади) Оҳангарон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Olmaliq element plast” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 623 416 500 сўм асосий қарз ва 19 949 328 сўм пеня ундиришни сўраган.

Оҳангарон туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 623 416 500 сўм асосий қарз ва 12 121 987 сўм пеня ундириш белгиланган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг 2021 йил 18 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Шу сабабли палата кассация шикояти билан мурожаат қилиб, Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг 2021 йил 18 ноябрдаги қарорини бекор қилиб, иш бўйича янги қарор қабул қилишни сўраган.



Даъвогарнинг вакиллари кассация шикоятини қувватлаб, апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 18 ноябрдаги қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг 2021 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўради.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар, суд мажлисида вакили иштирокини таъминламади ҳамда кассация шикояти бўйича ўзининг эътирозларини билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 297-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, кассация инстанцияси судининг суд мажлисига суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

Судлов ҳайъати жойида маслаҳатлашиб, ишни жавобгарнинг вакили иштирокисиз кўриб чиқиш ҳақида ҳулосага келди.

Судлов ҳайъати даъвогар вакиллариининг тушунтиришларини тинглаб, кассация шикоятида келтирилган вазорат иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2021 йил 30 апрелда 182-сонли қарз шартномаси тузилган.

Мазкур шартноманинг 2.1-бандига кўра, қарз берувчи шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган миқдорда қарз олувчига 623 416 500 сўмлик дераза токчаси (подоконник) қурилиш материалларини 2021 йил 30 апрель куни бир йўла, фоизсиз, мулк қилиб бериш, 2.2.2-бандига кўра, қарз олувчи жами 623 416 500 сўмлик қарз суммасини 2021 йил 20 июнь куни қарз берувчига бир йўла, пул ўтказиш йўли билан қайтариш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 732-моддасига кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Қарз шартномасига асосан 2021 йил 30 апрель куни даъвогар 623 416 500 сўмлик дераза токча (подоконник)ларини топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан жавобгарга топширган.



Аммо, жавобгар зиммасидаги мажбуриятини бажармасдан, шартномада келишилган 623 416 500 сўмлик қарз суммасини белгиланган муддатда даъвогарга тўлаб бермаган.

Даъвогарнинг 623 416 500 сўм маблағни тўлаш ҳақида 2021 йил 2 июлдаги 210/21-сонли талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган. Шу сабабли даъвогар манфаатида палата судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

ФК 735-моддасининг биринчи қисмига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Биринчи инстанция суди, жавобгарнинг даъвогар олдидаги 623 416 500 сўм қарздорлиги ишдаги топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан тўлиқ ўз тасдиғини топганлигини ҳамда қарзга олинган маҳсулот ҳақи тўланмаганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг асосий қарзни ундириш талабини қаноатлантириш ҳақида асосли тўхтамга келган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди даъвонинг пеня ундириш талабини қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, ФКнинг 326-моддасига биноан 12 121 987 сўмга камайтириб, қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиб, унинг адолатли миқдорини белгилаган.

Бироқ, апелляция инстанцияси суди моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, қарз шартномаси мазмун-моҳиятига кўра олди-сотди шартномаси шартлари асосида тузилганлигини, мазкур шартнома қонун талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги эканлигини ва бу ўз навбатида шартномани ҳақиқий эмаслик оқибатларини келтириб чиқаришини, топшириш-қабул қилиш далолатномасида маҳсулотнинг миқдори, тури, сифати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаганлигини асос қилган ҳолда, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб ҳамда даъвони қаноатлантиришни рад этиб хатоликка йўл қўйган.

Хусусан, апелляция инстанцияси судининг қарорида тарафлар ўртасида қарз шартномаси ва 623 416 500 сўмлик подоконник қурилиш материаллари топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган бўлса-да, маҳсулотнинг миқдори, тури, сифати тўғрисидаги маълумотлар келтирилмаганлиги қайд этилган.

Аммо, суд мазкур далолатнома 2021 йил 30 апрелда 182-сонли қарз шартномасига асосан тузилганлигига, шартномада кўрсатилган қийматдаги (623 416 500 сўмлик) дераза токча (подоконник)лари жавобгарга топширилганлигига аҳамият бермасдан, уни далил сифатида қабул қилмаган. Оқибатда, бу ҳолат нотўғри қарор қабул қилинишига олиб келган.

Бундан ташқари, ФК 354-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларининг мазмунига кўра, тарафлар қонунчиликда назарда тутилмаган шартнома ҳамда турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган аралаш шартнома тузишлари мумкинлиги апелляция инстанцияси судининг эътиборидан четда қолган. Натижада, қарз шартномаси мазмун моҳиятига кўра олди-сотди шартномаси шартлари асосида тузилганлиги, тарафлар ўртасида тузилган



шартнома қонун талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда эканлиги ҳақида нотўғри хулосага келган.

Даъво аризасида қарз шартномаси бўйича топширилган маҳсулотни қайтариш эмас, балки маҳсулот қийматини ундириш сўралганлиги апелляция инстанцияси суди томонидан даъвони қаноатлантиришни рад этилишига асослардан бири бўлган.

Бироқ, суднинг мазкур хулосаси билан ҳам келишиб бўлмайди. Чунки, шартноманинг 2.1-бандига кўра, қарз берувчи шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган миқдорда қарз олувчига 623 416 500 сўмлик подоконник қурилиш материалларини **қарзга эмас**, балки 2021 йил 30 апрель куни бир йўла фойзсиз, мулк қилиб бериши, 2.2.2-бандига кўра, қарз олувчи **олинган товарни эмас**, балки жами 623 416 500 сўмлик қарз суммасини 2021 йил 20 июнь куни қарз берувчига бир йўла, пул ўтказиш йўли билан қайтариши лозим бўлган (аралаш шартнома).

Зеро, ФК 238-моддасининг биринчи қисмига кўра, мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Демак, қарз шартномасини қонунчиликнинг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим деб ҳисоблашга асос мавжуд эмас.

Қайд этилганларни инобатга олиб, биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 623 416 500 сўм асосий қарз, 12 121 987 сўм пеня ундириш, даъвонинг қолган қисмини эса, қаноатлантиришни рад этиб қонуний қарор қабул қилган.

Аммо, апелляция инстанцияси суди ишдаги далилларга тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган ва суднинг ҳал қилув қарорини асоссиз равишда бекор қилган.

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 301-моддасининг 6-бандига кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича айрим суд ҳужжатларини бекор қилиш ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни, кассация шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи ва тўққизинчи қисмларига мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикояти бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Апелляция шикоятини беришда олдиндан тўланган суд харажатларини вобгарнинг зиммасида қолдириш, шунингдек ундан кассация шикояти учун



Республика бюджетига 6 433 658 сўм давлат божи ундириш ҳамда кассация шикоятни учун даъвогар томонидан олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати жавобгардан даъвогар фойдасига ундириш, апелляция инстанцияси судининг суд харажатларини ундиришга оид ижро хужжатлари бўйича ундирувни бекор қилиш лозим.

Баён этилганларга асосан, ИПКнинг 118, 301 ва 303-моддаларини қўллаб, судлов хайъати

қ а р о р қ и л а д и:

Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг 2021 йил 18 ноябрдаги қарори бекор қилинсин.

Оҳангарон туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 13 сентябрдаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилсин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг кассация шикоятни қисман қаноатлантирилсин.

“Olmaliq element plast” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 6 433 658 сўм давлат божи ундирилсин.

“Olmaliq element plast” масъулияти чекланган жамиятидан “Glass tech service” масъулияти чекланган жамияти фойдасига олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати ундирилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Апелляция инстанцияси судининг суд харажатларини ундиришга оид ижро варақалари бўйича ундирув бекор қилинсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи

Б.Исрайлов

хайъат аъзолари

Т.Аннаева

Ш.Маҳмудов

